

Қ А Р О Р

(маъмурий назорат муддатини узайтириш тўғрисида)

2026 йил март ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси И.Исмаилов, судья ёрдамчиси М.Ражабовнинг котиблигида, тарафлардан Тупроққалъа туман ИИБ ЖХХ ХПБ У.Назиев, фуқаро Х.Раҳмановнинг иштирокида, фуқаро Раҳманов Хамро Қувандиқовичга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқилди. 1-3-2213-2501/53-сонли иш ҳужжатларига кўра:

Раҳманов Хамро Қувандиқович, 1971 йил 25 январь куни Ҳазорасп туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам 2008 йил 21 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилинган, 2011 йил 24 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 3 йил 5 ой 22 куни шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2013 йил 4 январь куни жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖК 60,61-моддаси тартибида 10 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 34-моддаси билан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, 2021 йил 3 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра, ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, 9 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига ўзгартирилган, 2021 йил 2 сентябрь куни жазони тўлиқ ўтаб чиққан, ишсиз, Тупроққалъа тумани, “Саяпир” маҳалласи “Афсона” кўчаси 20-уйда яшайди.

Суд, тарафларнинг кўрсатувларини тинглаб, иш ҳужжатларини атрофлича текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тупроққалъа туман ИИБ судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, унда Х.Раҳмановга муқаддам 2008 йил 21 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 7 йил озодликдан маҳрум қилинган, 2011 йил 24 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган 3 йил 5 ой 22 куни шу муддатга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, 2013 йил 4 январь куни жиноят ишлари бўйича Қўнғирот туман судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан ЖК 60,61-моддаси



тартибида 10 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 34-моддаси билан ўта хавфли рецидивист деб топилиб, 2021 йил 3 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси апелляция инстанцияси судининг ажримига кўра, ЖК 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, 9 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосигиша ўзгартирилган, 2021 йил 2 сентябрь куни жазони тўлиқ ўтаб чиққанлигини, шундай бўлишига қарамасдан, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасдан турли ҳуқуқбузарликларни содир қилиб келаётганлигини инобатга олиб, маъмурий назорат муддатини узайтиришни сўраган.

Х.Раҳманов, Тупроққалъа туман ИИБда маъмурий назорат остига тушувчи шахс сифатида профилактика ҳисобида туради, 2025 йил 19 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди томонидан 6 ой муддатга маъмурий назорат муддати ўрнатилган.

Х.Раҳманов 2026 йилнинг 9 март куни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 113-моддаси 4-қисми билан ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлигини инобатга олиб, у томонидан қайта жиноят содир қилишни олдини олиш мақсадида, унга нисбатан маъмурий назорат муддатини узайтириш билан тарбиявий чораларни қўллаш лозим бўлади.

Х.Раҳманов тузалиш йўлига кирмаганлигини уни қайта жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир қилишга мойиллигини инобатга олиб, у томонидан қайта жиноят содир қилишни олдини олиш мақсадида, унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш билан тарбиявий чораларни қўллаш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 4-5, 9-моддаларига амал қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Раҳманов Хамро Қувандиқовичга нисбатан қуйидаги чеклашларни қўллаш билан 2025 йил 19 сентябрь куни тайинланган маъмурий назорат муддати яна 6 (олти) ойга узайтирилсин.

2. Фуқаро Раҳманов Хамро Қувандиқовичга нисбатан қуйидаги чекланишлар қўлланилсин;

а) Спиртли ичимликлар ичишни тақиқлаш;

б) Тупроққалъа туман ИИБ ходимлари рухсатисиз Хоразм вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

в) Рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойнинг 15 куни яшаш жойидаги ИИБга келиш;

Ушбу қарорни ижро қилишлик Тупроққалъа туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тараф қарор нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида Хоразм вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

И.Исмаилов

